

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ _____

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mazkur loyiha Urganch shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 29-avgust kuni "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali Urganch shahar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi 29.08.1998-yildagi 670-I-son "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:

2022-yil 29-avgust



Q.Rajapov

PUDRAT SHARTNOMASI

№

29«8»2022 yil.

134-12-180-OB/2022-son

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи: **А.Эрнийзов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган "МЕЗОН" ХК номидан Низом асосида иш кўрувчи **А.Рўзметов** иккинчи томондан **Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини суғориш тизимини мукаммал таъмирлаш ишларига** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятчи конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини суғориш тизимини мукаммал таъмирлаш ишларига** лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **258 000 000 (Икки юз эллик саккиз миллион)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонига техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини давлат суғурта ташкилоти орқали суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан «60» календар кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорига аванс ўтказади, бу **77 400 000 (Етмиш етти миллион тўрт юз минг) сўмни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг ___ фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Жорий молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) — ажратилган бўнак тўловларини ойма-ой мутаносиб равишда чегириб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмининг ___ фоизидан кам бўлмаган қисми. Қолган ___ фоиз миқдордаги қисми, шартномада кўрсатилган, кафолат муддати тугаганидан сўнг бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рўйя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи

Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-баъдининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида « » ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида « » ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

59. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорига пеня тўлайди, пеня миқдори бажарилмаган иш маблағининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 0,5% миқдорига пеня тулайди, пеня миқдори қабул қилинмаган ва бажарилган иш сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- шартнома шартларига муофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорига жарима тулайди;

60. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди, пеня миқдори бажарилмаган иш сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охириг кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорига жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 20% миқдорига жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% миқдорига жарима тўлайди, жарима тўлаш аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни бажармасликдан озод қилмайди.

61. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорига пеня тўлайди, пеня миқдори шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

62. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

63. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

64. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцентсиз амалга оширишга ҳақлидир.

65. Томонлар мазкур шартнома талабларини бузган тақдирда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”га Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади

66. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

67. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

68. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

69. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

70. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

71. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

72. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

73. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

74. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

75. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

76. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

77. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

78. Мазкур шартнома Бюджет кодексига асосан имзоланиб, Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва 2022 йилнинг 31-декабргача амал қилади.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

| | |
|---|---|
| “Урганч шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси” | “МЕЗОН” ХК |
| Манзили: Урганч шаҳар Хонка кучаси 101 уй | Манзили: Urganch shahar Sanoatchilar k.7/2.-uyi |
| Тел/факс: +99862-225-30-33 | Тел/факс: 99 890-725-01-49 |
| ш/хр: 100022860334017065100110003 | х/р: 2020 8000 0005 3607 6001 |
| ИНН: 206943296 ИФУТ: 90290 | ИНН: 201 568 537 |
| Молия Вазирлиги Ғазначилиги | ИФУТ: |
| Ғазна х/в: 23402000300100001010 | Банк: ДТ “Халқбанк” Urganch shahar amaliyot bo’limi |
| Банк: Марказий банк Тошкент ш ХККМ | МҒО: 00808 |
| МҒО: 00014 ИНН: 201122919 | |

М.У.



А.Эрниязов



Х.Атажанов

| | | |
|--|---|------------------------------|
| | <p>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p> | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | ATOBEK ERNIYAZOV RUSTAMOVICH |
| | Imzolangan sana | 29 avr 2022 15:30 |
| | Hujjat kodi | UJ8050754520 |
| | Hulosa kodi | YF0715163605 |

"КЕЛИШИЛДИ"

Урганч шаҳар ҳокими бўлими муdiri

Ж.Сапаев

2022 й.



"СДИКЛАЙМАН"

Урганч шаҳар ҳокими

О.Холбаев

2022 й.

Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини сугориш тизимини мукамал таъмирлаш ишлари натижавий

МАНЗИЛИЙ ДАСТУРИ

| Т/р | Объектларнинг номи ва жойлашган ўрни | Қурилиш бошланиши ва тугаллаш йили | Лойiha қувакти, тегишли ўлчов бирликларда (км) | Пулрат шартномаси тузилиши вақтига қурилишнинг умумий қиймати | Қурилишнинг 2022 йил 1 январга ҳолатига қолдиқ қиймати | 2022 йил капитал қўйилмалар ҳажми шу жумладан | | | | | | Ишга туширилган қуяватлар | 2023 йил 1 январга ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати | Лойihaдан экспертизадан ўтказилган вақти ва тўғри рақами | Таълим савдоларига ўтказилган вақти ва таълим натижалари таълимланган байн тўғри рақами | (МИНГ. СЎМ) |
|-------|---|------------------------------------|--|---|--|---|-----------|------------------------|--------------------------|----------------------------|---------------------------|---------------------------|--|--|---|-------------|
| | | | | | | Жами қўйилмалар | ҚМИ (СМГ) | Бюджетнинг харajatлари | | | Ишга туширилган қуяватлар | | | | | |
| | | | | | | | | Жами | Лойiha смета ишлари учун | Экспертиза ҳулосалари учун | | | | | | |
| 1 | Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини сугориш тизимини мукамал таъмирлаш ишлари | 2022 йил | объект | 0,000 | 0,0 | 267 590,0 | 258 000,0 | 9 590,0 | 8 900,0 | 690,0 | 0,000 | 0,000 | 28.07.2022 йил №-55659 | 19.08.2022 йил №-39536 | 17 | "МЕЗОН" ХК |
| ЖАМИ: | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | 267 590,0 | 258 000,0 | 9 590,0 | 8 900,0 | 690,0 | 0,000 | 0,000 | | | | |

Урганч шаҳар ҳокими

Ўринбосари

Н.Бабажанов

2022 йил

Урганч шаҳар "Ободонлаштириш"

бошқармаси" бошлиғи

А.Эрниязов

2022 йил



Республика Узбекистан, Хорезмская область
О.О.О «Импульс Лойиха»

Impuls  Loyiha

РАБОЧИЙ ПРОЕКТ

СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

**Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошкармасига
карашли тик кудукларини, сугориш тизимини мукаммал
таъмирлаш**

Локальная-ресурсная ведомость

Директор



Джуманиязов З.

г. Урганч-2022 год

ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА

Сметная документация к рабочему проекту на «Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошкармасига карашли тик кудукларини, сугориш тизимини мукаммал таъмирлаш» разработана во исполнение постановлений Кабинета Министров от 05.08.2000 г. за № 305 «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в капитальном строительстве», от 11.06.2003 г. за № 261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений» и в помощь участникам инвестиционного строительного процесса, и в соответствии с инструкцией о составе, порядке разработки, согласования и утверждения проектно-сметной документации на строительство жилых и общественных зданий и сооружений (ШНК 1.03.01-04) и методическими рекомендациями по определению сметной стоимости строительства предприятий, зданий и сооружений в Республике Узбекистан (Ташкент – 1996 г.), общим положением по применению сметных норм и расценок на ремонтно-строительные работы для условий строительства в Республике Узбекистан (ШНК 2004 – 2005 гг.) и общим положением по применению расценок на монтаж оборудования (ШНК 4.13.00 – 05).

Объект строительства расположен в Хорезмской области, 41 территориальном районе.

Ведомость потребных ресурсов в текущих ценах разработан на основании дефектного акта с применением «Каталога текущих цен на материально-технические ресурсы применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан» на октябрь–декабрь 2021г. и согласования заказчиком цен материалов ресурсов.

Среднечасовая заработная плата – 17921,03сум. (с учетом отчислений в соц.страх – 12 %).

Транспортные, складские и заготовительные затраты на материалы – 4 %.

Коэффициент риска – 1,0

Прочие затраты подрядчика – 15,51 %.

Прочие затраты заказчика – 11 000 000 факт

Затраты на страхование строительства объекта – 0,32 %

РАСЧЕТНАЯ СТОИМОСТЬ ОБЪЕКТА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ.

Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик кудукларини, сугориш тизимини мукамал таъмирлаш

| №№ П/П | НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ | Цена (тыс.сум) |
|-----------|--|-------------------|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 2% | 9 140,730 |
| 2 | ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 4% | 127 775,372 |
| 3 | ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ (17921,03) | 59 480,488 |
| 4 | ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ (С УЧЕТОМ ЗАРОБОТНОЙ ПЛАТЫ МАШИНИСТОВ) | 4 146,046 |
| 5 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА - 0% | 0,000 |
| 6 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА - 15,51% | 29 686,436 |
| 7 | ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ - 0,32% | 736,733 |
| 8 | ЗАТРАТЫ ДЛЯ УЧЕТА КОЭФФИЦИЕНТА РИСКА, ОПРЕДЕЛЯЕМОГО ИСХОДЯ ИЗ ПРОГНОЗИРУЕМОГО ИНДЕКСА РОСТА ЦЕН В СТРОИТЕЛЬСТВЕ | 1,00 |
| 9 | И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ | 230 965,804 |
| 10 | НДС - 15% | 34 644,871 |
| 11 | И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С УЧЕТОМ НДС | 265 610,675 |
| 12 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА -ФАКТ | 11 000,000 |
| 13 | ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС И ПРОЧИМИ ЗАТРАТАМИ И РАСХОДАМИ ЗАКАЗЧИКА | 276 610,675 |

ИСПОЛНИТЕЛЬ





«Утверждаю»
Зам хониме города Ургенча
Н.Бабажанов
2022 г.

ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

| | | |
|--|---|-------------|
| 1. Наименование и местонахождение стройки | Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини суғориш тизимини мукамал таъмирлаш ишлари | |
| 2. Отрасали | | |
| 3. Инвестор | | |
| 4. Заказчик | Урганч шаҳар "Ободонлаштириш бошқармаси" | |
| 5. Разработчики : | | |
| 5.1 ТЭО | | |
| 5.2 ПСД и/ или ТД | "Импульс Лойиха" МЧЖ | |
| 5.3. Экспертизы | Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги "шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Хоразм филиали | |
| 6. Генеральный подрядчик | «Мезон» ХК | |
| 7. Источник финансирования | Местный бюджет | |
| 8. Срок начала и окончания строительства | 2022 г | |
| 9. Основные показатели стройки : | Всего | 2022 г |
| Мощность (в соответст. Единицах измерения) | объект | объект |
| Основные фонды | 267 590,000 | 267 590,000 |
| Капитальные вложения | 267 590,000 | 267 590,000 |
| Строительно - монтажные работы | 258 000,000 | 258 000,000 |
| Оборудование и инвентарь | | |
| Прочие работы и услуги | 9 590,000 | 9 590,000 |
| Содержание службы заказчика | | |
| Прогноз на 2022 год в соответствии с согласованным с Э и МФ адресным списком | В договорных ценах (тыс.сум) | |
| Мощность (в соответст. Единицах измерения) | | объект |
| Основные фонды | 267 590,000 | 267 590,000 |
| Капитальные вложения | 267 590,000 | 267 590,000 |
| Строительно - монтажные работы | 258 000,000 | 258 000,000 |
| Оборудование и инвентарь | | 0,000 |
| Прочие работы и услуги | 9 590,000 | 9 590,000 |
| Содержание службы заказчика | | 0,0 |

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год (в текущих ценах, тыс.сум)

| | Всего на год | В том числе по кварталам: | | | |
|--------------------------------|--------------|---------------------------|----|-------------|----|
| | | I | II | III | IV |
| Ввод мощности | объект | | | объект | |
| Основные фонды | 267 590,000 | | | 267 590,000 | |
| Капитальные вложения | 267 590,000 | | | 267 590,000 | |
| Строительно - монтажные работы | 258 000,000 | | | 258 000,000 | |
| Оборудование и инвентарь | 0,000 | | | 0,000 | |
| Прочие работы и услуги | 9 590,000 | | | 9 590,000 | |
| Содержание службы заказчика | 0,000 | | | 0,000 | |

Заказчик :

А.Орниязов

Подрядчик :

Х.Атажанов



Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини сугориш тизимини мукамал таъмирлаш савдоларида ютиб олган нарҳининг 2022 йил ойлари давомида молиялаштириш

Ж А Д В А Л И

| Т/р | Ишлар тури ва номи | Жами молиялаштирилган маблағ | 2022 йил бўйича қурилиш қиймати | | | | | | | | | | | | | |
|-----|---|------------------------------|---------------------------------|--------|------|-----------|-----|-----|-----------|--------|---------|-----------|-------------|---------|--|--|
| | | | 1 - чорак | | | 2 - чорак | | | 3 - чорак | | | 4 - чорак | | | | |
| | | | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабрь | | |
| 1 | Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини сугориш тизимини мукамал таъмирлаш ишлари | 258 000 000 | | | | | | | | | | | 258 000 000 | | | |
| | ЖАМИ | 258 000 000 | | | | | | | | | | | 258 000 000 | | | |



Буюртмачи :



Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини сўғориш тизимини мукаммал таъмирлаш савдоларида ютиб олган нарҳининг 2022 йил ойлари давомида молиялаштириш

Ж А Д В А Л И

| Т/р | Ишлар тури ва номи | Жами молиялаштирилган маблағ | 2022 йил бўйича қурилш қиймати | | | | | | | | | | | | | | | |
|-----|--|------------------------------|--------------------------------|--------|------|-----------|-----|-----|-----------|--------|---------|------------|------------|---------|--|--|--|--|
| | | | 1 - чорак | | | 2 - чорак | | | 3 - чорак | | | 4 - чорак | | | | | | |
| | | | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабрь | | | | |
| 1 | Хоразм вилояти Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли тик қудуқларини сўғориш тизимини мукаммал таъмирлаш ишлари | 2580000000 | | | | | | | | | | 2580000000 | | | | | | |
| | ЖАМИ | 2580000000 | | | | | | | | | | | 2580000000 | | | | | |



Буюртмачи:



Пурратчи: